

**Бирламчи уй-жой бозоридан уй-жой сотиб олиш учун  
ипотека кредити бериш тўғрисидаги  
\_\_\_\_\_ -ШАРТНОМА (қонун асосида ипотека)**

[•].[•].[•] йил

[•] шахри

"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки, бундан буён шартнома матнида "Банк" деб юритилувчи номидан Низом ва Махсус ишончномага асосан ҳаракат қилувчи банкнинг \_\_\_\_\_ филиали Банк хизматлари маркази бошлиғи \_\_\_\_\_, бир томондан ва кейинги ўринларда "Қарз олувчи" деб юритилувчи фуқаро \_\_\_\_\_ (паспорт маълумотлари: \_\_\_\_\_), иккинчи томондан кейинги ўринларда "Томонлар" деб юритилувчилар, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

**1.1.** Ушбу шартнома матни бўйича кейинги ўринларда учрайдиган барча атамалар, агар контекстан бошқача маъно англашилмаса ушбу бўлимда баён қилинган маъноларни англатади:

**Ариза берувчи** – бирламчи уй-жой бозорида кўп квартирали уйлардаги квартирани сотиб олиш мақсадида ипотека кредити олиш учун белгиланган тартибда банкка ариза тақдим этган жисмоний шахс;

**Қарз олувчи** – кўп квартирали уйдаги квартирани сотиб олиш учун кредит олган ва кредит шартномасида белгиланган шартларда қайтариш мажбуриятини олган 18 ёшга тўлган ва 60 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

**Биргаликда қарз олувчилар** – қарз олувчининг ипотека кредити асосий суммаси ва кредит бўйича фоизларнинг ҳар ойдаги тўловларида қатнашадиган, шунингдек ипотека кредити бўйича солидар жавоб берадиган жисмоний шахслар;

**Бирламчи уй-жой бозори** – янги тартиб доирасида қурилган, шунингдек янги тартиб доирасидан ташқари фойдаланишга топширилган санадан кўпи билан уч йилдан ошмаган пудрат ташкилоти ҳисобида бўлган кўп квартирали уйлардаги квартираларни тақлиф этувчи бозор;

**Қонун асосидаги ипотека** – банк кредит маблағлари ҳисобига уй-жой сотиб олишда вужудга келадиган ипотеканинг бир тури. Ипотека шартномаси бўйича қарз олувчининг мажбуриятларини таъминлаш учун, қонун асосида ипотека ҳосил бўлишига олиб келадиган ва қонун асосида ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланишида қўлланилади;

**Пудрат ташкилоти** – кўп квартирали уйлари ўз маблағлари, банк кредити ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига қурган ҳамда бирламчи уй-жой бозорида сотиш учун тақлиф этувчи тадбиркорлик субъекти;

**Кредит фоизи** – кредитдан фойдаланганлик учун тўлов;

**Бошланғич бадал** – ариза берувчининг сотиб олинадиган уй-жой қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган ҳамда уй-жой қийматининг қисман тўлови ҳисобланувчи, Қарз олувчи томонидан Банкка топширилган пул маблағлари;

**Кредит бўйича қарздорлик** – Қарз олувчи номига очилган тегишли ҳисоб-рақамларда ҳисоби юритилаётган кредитнинг ҳаммаси ёхуд қарз олувчи томонидан фойдаланилган кредитининг қолдиғи, кредитдан фойдаланилганлик учун ҳисобланган фоизлар;

**Кредит бўйича таъминлаш** – кредит ҳисобига сотиб олинган уй-жой гарови;

**Кредитни ўзлаштириш муддати** – ушбу шартномада белгиланган, Қарздор томонидан кредит ресурсларини ўзлаштириш ҳуқуқига эга бўлган давр;

**Кредит берилган сана** – Қарз олувчининг ссуда ҳисоб варағидан тегишли кредит суммасини уй-жой сотувчисига очилган ҳисоб вараққа ўтказилган сана;

**Кредитни қайтариш санаси** – ушбу шартномадан келиб чиқиб, ипотека кредити бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларнинг ва асосий қарз қолдиғини қоплайдиган, Қарз олувчининг Банк олдидаги мажбуриятларини тўлик бажаришига олиб келадиган охириги тўлов санаси;

**Тўлов мажбуриятлари** – Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчилар)нинг ипотека кредити бўйича қарзларни, унинг бўйича фоизларни ушбу шартномада кўрсатилган суммада ва муддатларда тўлаш бўйича ҳамда бошқа тўловлар мажбуриятлари;

**Кредит бўйича тўлов муддати ўтган қарздорлик** – ипотека кредити ёхуд унинг бир қисми, кредитдан фойдаланганлик учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар, пенялар ҳамда Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи) томонидан белгиланган муддатда тўланмаган бошқа тўлов мажбуриятлари бўйича қарз суммаси.

## **II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

**2.1** Банк Қарз оловчига -уй кўп хонали уй-жойдаги \_\_\_\_ -хонадонни (кейинги ўринларда уй-жой деб аталади) сотувчи \_\_\_\_\_ дан сотиб олиш учун ушбу шартномада назарда тутилган шартларда \_\_\_\_\_ сўм миқдорида пул ўтказиш йули билан ипотека кредити ажратиш мажбуриятини олади, Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи) эса олинган кредитни белгиланган муддатда, кредит маблағларидан фойдаланганлик учун фоиз ва бошқа тўловларни тўлаган ҳолда қайтариш мажбуриятини олади.

## **III. ҚАРЗ ОЛУВЧИ ВА ЁКИ БИРГАЛИКДА ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ КАФОЛАТИ**

### **3.1 Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи) ушбу билан қуйидагиларни тасдиқлайди:**

- Банкка тақдим этилган (этиладиган) кредитни расмийлаштириш ва олиш учун ҳужжатлар ва маълумотлар бундай ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган санада ҳақиқий ва ишончли ҳисобланишини;
- Қарз оловчига нисбатан фуқаролик, маъмурий ёки жиноят иши қўзғатилмаганлигини;
- Биргаликда қарз оловчи ушбу шартнома мажбуриятлари юзасидан биргаликда жавоб бериши ва ушбу мажбуриятлар ҳақиқий ҳисобланишини;
- Қарз оловчининг (Биргаликда қарз оловчининг) ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи) нинг ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлишига олиб келади;
- агар Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи) тўловларни амалга оширишга ёки ушбу шартномада белгиланган талаблардан исталганини бажаришга қодир бўлмаса, Банкнинг кредитни муддатидан олдин қайтаришни ва кредитга ҳисоблаб ёзилган фоизлар ва бошқа тўловларнинг муддатидан олдин тўланишини талаб қилишга, ундирувни кредит таъминотига қаратишга, муддатида тўланмаган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни ва ушбу шартномада назарда тутилган бошқа тўловларни Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи)нинг банкларда очилган барча турдаги ҳисобварақларидаги, шу жумладан, унинг депозит ва банк картаси ҳисобварақларидаги пул маблағларини акцептсиз ҳисобдан чиқаришга ҳақли эканлигини тан олишини ва бунга эътироз билдирмаслигини;
- Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи)нинг банк карта ҳисобварақлари Банкнинг автотўлов хизматида уранишига рози эканлигини ва ушбу хизмат орқали Банк томонидан кредитнинг тўлов муддати келган қисми, унга ҳисоблаган фоизларни қоплаш учун етарли бўлган маблағлар ва ушбу шартномада назарда тутилган бошқа тўловларни Қарз оловчининг банк карта ҳисобварақларидан автоматик тарзда ҳисобдан чиқарилиши тушунтирилганлигини;
- Чақириб олмаслик ва муқаррар тартибда кредит бўйича ҳар қандай таъминотни реализация қилишга ва фойдаланишга ва/ёки Банк томонидан ўз ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча зарур чораларни кўришга Банкни вакил қилади.
- Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи)нинг ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи)нинг ушбу шартномага, Фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик келтириб чиқариши ҳақида огоҳлантирилганлигини;
- Қарз оловчи (Биргаликда қарз оловчи) ўзи ҳақидаги ва унга Банк томонидан ажратилаётган кредит тўғрисидаги маълумотларни “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахборотининг давлат реестрини юритиш департаментига” (КАДР), “Кредит ахборотлари таҳлил маркази” (КАТМ) Кредит бюроси МЧЖга ҳамда гаровга унинг тақдим

этиланган объектлар тўғрисидаги маълумотларни “Гаров реестри” ДУКга тақдим этилишига розилигини;

- Кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинаётган уй-жойни Банкнинг кредит таъминоти сифатида гаровга олинмишида Қарз олувчи эри/хотинининг хабари борлигини (агар Қарз олувчи турмуш қурган бўлса) ҳамда белгиланган тартибда Қарз олувчи эри/хотинининг \_\_.\_\_.20\_\_ йилдаги розилик хати мавжудлигини;

- Қарз олувчи Банкнинг розилигисиз ушбу шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга (учинчи шахсларга) ўтказишга ҳақли эмаслиги ҳамда Қарз олувчининг ушбу мазмундаги мурожаатларига розилик бериш Банкнинг ҳуқуқи бўлиб, бундай мурожаат Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилиши ва Банк томонидан розилик берилмаслиги ёки кредит шартларини (муддати, фоизи ва ҳоказо) ўзгартирган ҳолда бундай розилик берилиши мумкинлиги тушунтирилганлигини ва Қарз олувчини бунга эътирози йўқлигини.

#### **IV. КРЕДИТ СУММАСИ ВА КРЕДИТДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ФОИЗ СТАВКАСИ**

**4.1.** Сотиб олинаётган уй-жой қиймати \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этади. «Ипотека банк» АТИБ \_\_\_\_\_ Қарз олувчи номига очилган 20406 \_\_\_\_\_ сонли ҳисоб рақамга \_\_\_\_\_ сўм миқдоридаги бошланғич бадални киритиш назарда тутилган.

**4.2.** Кредитдан фойдаланганлик учун Қарз олувчи (ва биргаликда Қарз олувчи) кредит олган кундан бошлаб йиллик \_\_\_\_\_ фоиз миқдорида тўловларни амалга оширади. Бунда фоиз ставка мутаносиб равишда камайтириш механизми Марказий банкнинг асосий ставкаси 14 фоиздан пасайганда қўлланилади, оширилган тақдирда эса – ўзгаришсиз қолади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 апрелдаги ПФ-70-сонли Фармонининг 4-бандида белгилаб қўйилган талабларга мос келмаган ҳолда ҳамда банк томонидан ажратилган кредит маблағни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан қайта молиялашритилмаган ҳолда, ипотека кредити фоиз ставкаси амалдаги тижорат ипотека фоизига ўзгартирилади.

**4.3.** Ипотека кредити бўйича фоизлар Банк томонидан ҳар куни, ушбу шартноманинг 4.2.- бандида белгиланган фоиз ставкасида ва кредит берилган санадан бошлаб Қарз олувчининг ссуда ҳисоб варағидаги кредит суммаси қолдиғига нисбатан ҳисоблаб борилади.

**4.4.** Ипотека кредити бўйича тўловлар (асосий қарз ва фоизи) ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган, Банк ва Қарз олувчи томонидан имзоланган (дифференциал ёки аннуитет тўловлар тартиби тагига чизилади) тўловлар жадвалига мувофиқ тўлаб борилади.

**4.5** Мижознинг сўровига (топшириғига) асосан, мижоздан кредитнинг жорий тўлови учун кредитни (қарзни) қайтариш жадвалида белгиланган суммага нисбатан кўп маблағ келиб тушса, у ҳолда банк келиб тушган маблағнинг ортиқча қисмини мижоз кредитининг (қарзнинг) асосий қарзини сўндиришга йўналтирилиши мумкин.

#### **V. ИПОТЕКА КРЕДИТИ БЎЙИЧА ТАЪМИНОТ**

**5.1** Ушбу шартнома бўйича берилган кредит, 04.10.2006 йилдаги ЎРҚ-58 сонли “Ипотека тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ қонун асосида ипотекага асосан сотиб олинган \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ тумани, \_\_\_\_\_ МФЙ, \_\_\_\_\_ кўчаси, \_\_\_\_\_-уй, \_\_\_\_\_-хонадон (кейинги ўринларда “Ипотека предмети”) билан белгиланган тартибда таъминланади ва гаров қийматини келишиш далолатномасига асосан \_\_\_\_\_ (сумма сўз билан ёзилади) сўм миқдорида баҳоланиб, гаров таъминоти ҳисобланади.

Ипотека предметининг йўқолиши ва шикастланиши таваккалчилиги тўлиқ қийматда банк фойдасига 20 йил муддатга банк томонидан суғурта қилинади. Бунда банк суғурта мукофоти дастлаб биринчи 10 йил учун тўланиб, қолган давр яъни иккинчи 10 йил учун тўловлар транш асосида амалга оширилади.

**5.2** Ипотека предмети Қарз олувчи ихтиёрида қолдирилади ва квартирага эгалик ҳуқуқи Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб банкда гаровда ҳисобланади ҳамда мазкур шартнома бўйича талабларни шу жумладан асосий қарз, ҳисобланган фоизлар, мажбуриятларини бажариш кечикишидан келиб чиқадиган зарарларни шунингдек ундириш бўйича харажатларни қоплашни тўла таъминлайди.

**5.3** Ипотека предметига \_\_\_\_\_ шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан ушбу шартнома амал қилиши тугагунга (кредит ва унга ҳисобланган фоиз қарздорликлар тўлиқ сўндирилгунга) қадар таъқиқ қўйилади.

**5.4** 04.10.2006 йилдаги ЎРҚ-58 сонли “Ипотека тўғрисида”ги Қонуннинг 65-моддаси талабларига мувофиқ ундирувни ипотека предметига қаратиш Қарз олувчи ва бирга яшовчи оила аъзоларининг сотиб олинган квартирадан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатишга асос бўлади.

**5.5** Банк қарз олувчидан кредит қайтарилишининг қўшимча таъминотини талаб этиш ҳуқуқига эга.

**5.6** Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашнинг бир нечта усуллари мавжудлиги бир-бирига зид бўлмайди, мажбуриятларни бажаришнинг ҳар қайси усули мустақил ҳисобланади ва бир-бирига боғлиқ бўлмайди.

**5.7** Ундиришни мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашга қаратишнинг усулларини танлаш ҳуқуқи Банкда қолади.

**5.8** Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) кредит таъминотини кредит суммасининг камида \_\_\_\_\_ фоизи даражасида тутиш мажбуриятини олади.

**5.9** Кредитнинг қайтарувчанлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни зарур даражада расмийлаштириш бўйича ҳар қандай харажатларни Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ўз зиммасига олади.

**5.10** Кредитнинг таъминланишини белгиловчи ҳужжатлар ушбу шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

## **VI. ИПОТЕКА КРЕДИТИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ**

**6.1** Кредит 0 имтиёзли давр билан 240 ой муддатга берилади

**6.2** Банкнинг ипотека кредити бериш бўйича мажбурияти қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларлар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилганидан ва Банк ихтиёрига келиб тушганидан тақдим этилгандан кейин пайдо бўлади:

Банк кредит маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ва Қарз олувчи номига нотариал тартибда расмийлаштирилган уй-жой олди-сотди шартномасининг асл нусхаси, ҳамда кўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида давлат реестридан “кўчирма”;

кредитлаш муддатига ипотека предметини йўқолиш ва шикастланиш таваккалчиликларидан банк фойдасига суғурта қилинганлиги тўғрисида суғурта полиси (банк томонидан тақдим этилади);

“Ипотека тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонунчиликнинг қоидаларига риоя қилган ҳолда тузилган ва давлат рўйхатдан ўтказилган ипотека тўғрисидаги шартнома.

**6.3.** Кредит бериш учун Қарз олувчига алоҳида ссуда ҳисоб варағи очилади. Қарз олувчининг ёзма топшириқномаси (аризаси)га асосан ссуда ҳисоб варағидан кредит маблағлари нақдсиз шаклда ўтказилади. Мазкур Қарз олувчининг ёзма топшириқномаси (аризаси), кредит шартномаси тузилган санадан бошлаб бир ой ичида тақдим этилиши лозим (кредитни ўзлаштириш муддати).

**6.4.** Уй-жой сотиб олиш учун маблағлар ссуда ҳисоб варағидан уй-жой сотувчи/курувчининг ҳисоб варағи ёки махсус ҳисоб варағига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## **VII. ИПОТЕКА КРЕДИТИНИ ТўЛАШ ТАРТИБИ**

**7.1** Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган тўловлар жадвалига мувофиқ ҳар ойлик (даврий) тўловларни босқичма-босқич ўз санаси ва

суммаси доирасида амалга ошириш йўли билан тўлаб боради.

Бунда, тўланган тўловлар қуйидаги тартибда кредит қарздорлигини коплашга йўналтирилади:

1) асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;

2) жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;

3) неустойка (жарима, пеня);

4) кредиторнинг қарздорликни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари;

7.2 Қарз олувчининг сўровига асосан Қарз олувчи билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун очилган ҳисобвараққа тўланган маблағлар ушбу шартномага мувофиқ кредитнинг муддати келмаган асосий қарзини қисман муддатидан олдин қайтаришга йўналтирилиши мумкин.

Кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки кредитнинг оралиқ асосий қарзи тўловларининг миқдорлари ўзгармайди. Фоиз тўловлари асосий қарзнинг қолдиғига нисбатан ушбу шартнома қоидаларига мувофиқ ҳисобланади.

7.3 Банк ушбу шартноманинг 7.1-бандига мувофиқ тўлов муддати келган, лекин тўланмаган кредитни, кредитга ҳисобланган фоиз, неустойка ва ушбу шартномада назарда тутилган бошқа тўловларни Банкнинг автотўлов хизмати орқали Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг банк карта ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ечиб олади.

7.4 Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ушбу шартнома ва у билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш, рўйхатга олиш билан боғлиқ барча харажатларни Банкнинг биринчи талабига кўра тўлаб беради.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

8.1 Банкнинг ҳуқуқлари:

8.1.1. Ушбу шартноманинг 6.2.-бандида кўрсатилган ҳужжатлар Қарз олувчининг айби билан кредит шартномаси тузилган санадан бошлаб бир ой ичида тақдим этилмаган тақдирда Банк ушбу шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8.1.2. Кредитдан фойдаланишнинг бутун даври давомида ҳар 6 ойда жойига чиққан ҳолда мониторингни амалга ошириш. Мониторинг жараёнида Банк кредитни тўлаш жадвалига, гаровга қўйилган мол-мулкдан фақатгина Қарз олувчи ва унинг оила аъзолари томонидан фойдаланиши ҳамда уни сақлаш қоидаларига, ипотека предметининг ноқонуний бегоналаштирилишига йўл қўймасликка риоя этилишини назорат қилиш;

8.1.3. Мажбуриятларни бажармаслик ҳолати бошланганда Банк ўз хоҳишига кўра қуйидаги ҳаракатлардан исталганини амалга ошириши мумкин:

- Қарз олувчига у томонидан мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари бошланганлиги ва муддат белгиланган ҳолда уларни бартараф этиш учун талабнома юбориш;

- ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши қўшимча равишда таъминланишини талаб қилиш;

- Қарз олувчидан кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини ушбу шартномада белгиланган тартибда муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш;

- таъминлаш шартномаларида белгиланган тартибда, кредит бўйича ундирувни таъминотнинг барчасига қаратиш;

- ушбу шартномани мазкур шартномада белгиланган тартибда бекор қилиш;

- кредит ўз муддатида тўланмаган тақдирда кредит фоиз ставкасини кўпайтириш;

- кредит фоизлари ўз муддатида тўланмаган тақдирда, кечиктирилган фоиз қарздорлиги учун пеня ҳисоблаш;

- Қарз олувчининг (Биргаликда қарз олувчининг) амалдаги иш жойига кредит тўловларини ойлик иш ҳақидан тўлаб бориш юзасидан мурожаат қилиш;

- ушбу шартномага ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш.

8.1.5. Банк ушбу шартнома бўйича ўзининг талаб қилиш ҳуқуқини Қарз олувчи (Биргаликда

қарз олувчи)нинг олдиндан розилигини олмасдан туриб, учинчи шахслар олдида мажбуриятлар бўйича таъминотга тақдим қилиши мумкин.

**8.2.** Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг ҳуқуқлари:

**8.2.1.** Ушбу шартнома амал қиладиган давр мобайнида ушбу шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган сумма доирасида ва мақсадлар учун ссуда ҳисобварағидан тўловни амалга ошириш (кредитнинг фойдаланилган қисмидан муддатидан олдин қайтарилган кредит суммаси миқдоридан қатъий назар қайта фойдаланишга йўл қўйилмайди).

**8.2.2.** Олинган кредитни тўлиқ қайтарган ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлаган ҳолда ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилиш.

**8.3** Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг ҳуқуқлари:

**8.3.1.** Банкни олдиндан (5 кун ичида) хабардор қилиб, кредитни олишдан бепул тарзда тўлиқ ёки қисман воз кечиш;

**8.3.2.** Берилган кредит бўйича қарзларни муддатидан олдин тўлаш;

**8.3.3.** Кредит ҳисоб-китоби бўйича Банкдан маълумот олиш;

**8.3.4.** Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## **IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**9.1** Банкнинг мажбуриятлари:

**9.1.1.** Ипотека кредити бериш учун Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) томонидан барча зарур шартлар бажарилгач, ушбу шартнома шартларига риоя қилган ҳолда кредит ажратиш

**9.1.2.** Бошланғич бадал ва кредит маблағларини Қарз олувчининг ёзма топшириқномаси (аризаси)га асосан ўтказиб бериш.

**9.1.3.** Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)ни кредитни ёки унинг қолган қисмини бериш, кредитни муддатидан олдин ундиришни рад этиш сабаблари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш.

**9.2** Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг мажбуриятлари:

**9.2.1.** Ушбу шартнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой ичида бўлган муддатда қуйидаги ҳужжатларни расмийлаштириш, шу жумладан:

сотиб олинаётган уй-жой олди-сотди шартномасини нотариал тартибда расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш;

ипотека тўғрисидаги шартномани нотариал тартибда расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш;

**9.2.2.** Мазкур шартноманинг 6.3 ва 6.4-бандлари шартларига мувофиқ Банк томонидан берилган кредитни ўзлаштириш.

**9.2.3.** Кредитни ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни илова қилинаётган тўловлар жадвалига мувофиқ ҳар ойда тўлаган ҳолда қайтариш.

**9.2.4.** Банк вакилларига кредитни мониторингини амалга ошириш ва кредитдан мақсадли фойдаланилишини текшириш мақсадида, гаровга қўйилган мулкни ҳамда кредитга тааллуқли бўлган ҳар қандай бошқа мол-мулкни мавжудлигини бориб кўриш, ҳолатини, сақланиш шароитларини ва фойдаланилишини текшириш имкониятини таъминлаш.

**9.2.5.** Банк талабига биноан ушбу шартнома амал қиладиган бутун давр мобайнида, Банкни қониқтирадиган шакл ва мазмун бўйича Қарз олувчи, Биргаликда қарз олувчиларнинг даромадлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш.

**9.2.6.** 5 (беш) кун мобайнида Банкка яшаш жойи, иш жойи, фамилияси ёки исмидаги ва ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатишга қодир бўлган бошқа ҳолатлардаги ўзгаришлар тўғрисида маълумотни тақдим этиш.

**9.2.7.** Ушбу шартнома амал қиладиган муддат мобайнида Қарз олувчи Банкнинг олдиндан розилигисиз, шартлари ушбу шартнома бўйича Қарз олувчининг мажбуриятига нисбатан устувор талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин бўлган учинчи томонларнинг кредитларини ва/ёки қарзларини жалб қилмаслиги керак.

**9.2.8.** Ўзбекистон Республикасидан ташқарига доимий яшаш учун кетган тақдирда кредитни ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни муддатидан олдин тўлаш.

**9.2.9.** Уй-жой тегишли давлат органлари томонидан олиб қўйилган ёки мусодара қилинган ҳолларда кредитни ва унинг бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизларни муддатидан олдин тўлаш.

**9.2.10.** Қарз олувчи ипотека предметини лозим даражада асраш учун, шу жумладан уни ўз вақтида жорий таъмирлашни ўтказиш, ундан оқилона фойдаланиш ҳамда уни бошқа шахсларнинг қонунга ҳилоф тажовузлари ва талабларидан ҳимоя қилиш учун ўз ҳисобидан барча зарур чораларни кўриш.

**9.2.11.** Қарз олувчи ипотека предметининг йўқ бўлиб кетиши, шикастланиши, бузилиши ёки ҳолати ёмонлашувига олиб келувчи ҳар қандай хавф-хатар, шунингдек ипотекага олувчининг ипотека тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолат тўғрисида ипотекага олувчини ўз вақтида ёзма шаклда хабардор этиш.

**9.2.12.** Қарз олувчи кредитлаш даврида ёши 63 ёшдан ошган тақдирда, мижоз 63 ёшдан 70 ёшгача ҳаёт суғурта олиш мумкин (мижоз 63 ёшга тўлганда суғурта тўловини амалга оширади ёки доимий даромадга эга бўлган шахс биргаликда қарз олувчи сифатида олиниши лозим)

## **X. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИЛМАСЛИК ҲОЛАТЛАРИ**

**10.1** Ушбу бандда қайд этилган ҳодисалардан исталгани Қарз олувчи (биргаликда қарз олувчи) томонидан содир қилиниши мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолати ҳисобланади:

- ушбу шартнома, шунингдек, Банк ва Қарз олувчи ўртасида имзоланган бошқа шартномалар шартларининг бузилиши;

- кредит ресурсларидан белгиланган мақсадда фойдаланмаслик;

- Сотиб олинган уй-жойда ўзи ва оила аъзолари яшамаслик, фойдаланмаслик;

- Сотиб олинган уй-жойни ижара, текин фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа ҳолатларда учинчи шахслар фойдаланиши учун бериш;

- кредит ресурсларини белгиланган муддатда ўзлаштирмаслик;

- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) кредит, унга ҳисобланган фоизлар ва/ёки бошқа тўловлар ушбу шартномада (шартноманинг ажралмас қисми бўлган тўловлар жадвалида) белгиланган муддатларда амалга оширилмаганлиги;

- Банкни атайлаб ҳаққоний бўлмаган ҳужжатлар тақдим этган ҳолда чалғитиш;

- Банкнинг кредитни таъминлаш тўғрисидаги талаби бажарилмаслиги;

- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) тўлов қобилиятининг ёмонлашганлиги ёки ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилмаслигига олиб келадиган аниқ маълумотларнинг яширилганлиги;

- ушбу шартнома шартлари ва унда назарда тутилган мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилмаганлиги;

- ушбу шартнома билан боғлиқ бўлган бошқа шартномалар шартларининг (ипотека ва ҳ.к.) бузилиши;

- Ипотека предметини бегоналаштириш ҳамда учинчи шахсларнинг тасарруфига (фойдаланишига) бериш;

**10.2** Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юзага келган тақдирда, Банк ўз хоҳишига кўра қуйидаги ҳаракатлардан бирини амалга ошириши мумкин:

- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)га мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юзага келганлиги ва уни бартараф этиш учун муддатни белгилаган ҳолда ёзма билдиришнома (эътироз хати) юбориш;

- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) томонидан мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келганда унинг банкдаги барча ҳисобварақларидан (депозит, банк картаси ва ҳ.к.) кредит бўйича мавжуд қарздорликни қоплашга етадиган пул маблағларини ечиб олиш;

- кредитнинг ўз муддатида тўланмаган қисмига кредит фоизларини орттирилган ставкада

ҳисоблаш;

- ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини қўшимча равишда таъминланишини талаб қилиш;
- кредитнинг ҳаммасини ёки унинг бир қисмини ушбу шартномада белгиланган тартибда муддатидан олдин Ипотека предметига қаратган ҳолда ундириш.

## **XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**11.1** Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши мазкур шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**11.2** Мазкур шартномада белгиланган барча мажбуриятларни бажармаслик оқибатида Қарз олувчи ва Биргаликда қарз олувчилар солидар жавобгар бўладилар.

**11.3** Асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилганда (муддати ўтган кредитга), Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) Банкка бутун кечиктирилган давр учун ушбу шартномада белгиланган ставкасининг 1,5 баравари миқдорида юқори фоиз тўлайди.

**11.4** Фоизларни белгиланган муддатларда тўламаганлик ва улар бўйича муддати ўтган суммалар вужудга келгани учун Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) Банкка кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 2,0 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

**11.5** Мазкур шартноманинг 6.2-бандида кўрсатилган шартлар Қарз олувчи томонидан бажарилиб, топшириқнома (ариза) тақдим этилганидан сўнг Банк кредит маблағларини тегишли ҳисобварақларга ўтказмаган тақдирда, Банк Қарз олувчига муддатида тўланмаган кредит суммасининг кечиктирилган ҳар бир куни учун 0,1 фоиз миқдорида, лекин муддатида тўланмаган кредит суммасининг 10 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.+

**11.6** Мазкур шартнома шартларининг лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида неустойкаларнинг ундирилиши (тўланиши) Томонларни ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## **XII. КРЕДИТ ҚАРЗДОРЛИГИНИ УНДИРИШНИ ТАЪМИНОТГА ҚАРАТИШ**

**12.1** Томонлар шунга келишдиларки, Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) томонидан ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда Банк ўз талабларини, ундиришни ипотека предметига қаратиш учун асослар вужудга келгандан кейин, Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ва Банк ўртасида тузилган нотариал тасдиқланган битим асосида суддан ташқари тартибда қондириши мумкин.

**12.2** Банк ундиришни ушбу шартнома ва ипотека тўғрисидаги шартнома шартларида назарда тутилган, гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги туфайли келиб чиққан талабларни ушбу мол-мулк ҳисобига қондириш учун мажбуриятларни таъминлаш сифатида гаровга қўйилган мол-мулкка суд орқали қаратиши мумкин.

**12.3** Мажбуриятни таъминлаш учун гаровга қўйилган ипотека предмети ҳисобланадиган мол-мулкка ундиришни қаратиш Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) томонидан тўловларни киритиш муддатлари мунтазам равишда, яъни, ўн икки ой мобайнида уч мартадан кўп бузилган тақдирда ёки навбатдаги ойлик тўлов 30 календарь кунидан кечиктириб тўласа амалга оширилиши мумкин.

**12.4** Ўзбекистон Республикаси "Ипотека тўғрисида"ги қонунининг 23, 26 ва 28-моддаларида назарда тутилган ҳолатларда Банк ипотека билан таъминланган мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишини талаб қилишга, ушбу талаб бажарилмаган тақдирда эса - ундиришни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратишга ҳақлидир.

**12.5** Агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишда олинган сумма Банк талабини қоплаш учун етарли бўлмаса, Банк етишмаган суммани Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг бошқа мол-мулкдан олиш ҳуқуқига эга.

### **XIII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР**

**13.1** Банк ўз хоҳишига кўра ушбу шартнома бўйича Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)га нисбатан ўзида мавжуд бўлган ҳуқуқлардан исталганини қўллаши ёхуд қўлламаслиги мумкин. Банк томонидан ушбу ҳуқуқларни қўлламаслик ёхуд қисман қўллаши ушбу ҳуқуқлардан воз кечилишини билдирмайди ва улар келгусида исталган вақтда қўлланиши мумкин.

**13.2** Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) уй-жойни ўзбошимчалик билан қайта курганлик ёки қайта режалаштирганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради ва ушбу уйни ўз ҳисобидан илгариги ҳолатига келтириши шарт.

**13.3** Ипотека предмети манзили бўйича учинчи шахсларни рўйхатга қўйиш фақат банкнинг рухсати билан қарз олувчининг яқин қариндошларини (оила ʼазоларини) рўйхатга қўйиш мумкин.

### **XIV. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

**14.1** Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) уй-жойни ўзбошимчалик билан қайта курганлик ёки қайта режалаштирганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар ва ушбу уйни ўз ҳисобидан илгариги ҳолатига келтириши шарт.

**14.2** Уй-жойни сотишга, ипотека предмети манзили бўйича учинчи шахсларни рўйхатга қўйишга кредит муддати мобайнида йўл қўйилмайди

**14.3** Уй-жойни ижарага, ундан текин фойдаланишга бериш фақатгина Банкнинг рухсати билан амалга оширилади

### **XV. ФОРС–МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ**

**15.1** Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажарилмаганлик шартнома тузилгандан кейин, Томонлар олдиндан кўра олишмаган, оқилона чоралар билан бартараф этиши мумкин бўлмаган фавқулодда тусдаги ҳодисалар натижасида вужудга келган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларининг оқибатлари ҳисобланса, жавобгарликдан озод этилади. Бундай вазият юз берган ҳолатга бўлган қарздорликни қайтаришдан Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) озод бўлмайди.

**15.2** Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига Томон таъсир кўрсатиши ва уларнинг вужудга келиши учун жавобгар бўлиши мумкин бўлмаган, масалан: зилзила, сув тошқини, ёнғин, шунингдек иш ташлаш, Ҳукумат ҳужжатлари ёки давлат органлари қарорлари, ушбу шартнома предметини бажаришга тўсқинлик қилувчи исталган тусдаги ҳарбий ҳаракатлар киради.

**15.3** Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига асосланадиган Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги тўғрисида ёзма равишда зудлик билан хабардор қилиши шарт, шу билан бирга, исталган Томоннинг талабига кўра ҳолатларнинг бошланиши фактини тасдиқловчи, тегишли орган томонидан берилган ҳужжат тақдим этилиши керак. Бундай ҳолатда мажбуриятни бажаришни имкони булмаганлигини исботлаб мажбуриятни енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларига асосланаётган томон зиммасига бўлади.

**15.4** Агар шартноманинг ушбу бўлимида кўрсатилган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари уч ойдан кўп вақт давом этса, у ҳолда ҳарқайси Томон бошқа Томонни хабардор қилган ҳолда ушбу шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Томонлар белгиланган тартибда ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилган ва бажарилмаган қисмлари бўйича узил-кесил ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

### **XVI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ**

**16.1** Томонлар ўртасида келишмовчиликлар ва/ёки ушбу шартномада назарда тутилмаган низоли вазиятлар пайдо бўлган ҳолларда Томонлар, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни музокаралар йўли билан ҳал этадилар.

**16.2** Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилинмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Банкнинг ушбу шартнома асосида кредит ажратган филиали жойлашган ҳудуддаги судга

мурожаат қилиш орқали ҳал этилади (Шартнома бўйича судловга тегишлилик).

**16.3** Банк ўз ихтиёрига кўра, кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаганлиги натижасида вужудга келадиган низоларни судгача ҳал қилишнинг куйидаги усулларидан фойдаланиши мумкин:

- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)ни кредит тўловларини амалга ошириши тўғрисида оғзаки ва ёзма равишда огоҳлантириш;

- кредит маблағларини қайтариш манбааси сифатида кайд этилган иш ҳақи ҳисобидан қарздорликни ёпиб бориш мақсадида,

- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг иш жойига мурожаат қилиш;

- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг банкдаги барча ҳисобварақларидан (депозит, пластик ва ҳ.к.) маблағларни уларнинг розилигини олмаган ҳолда ечиб олиш.

**16.4** Банкнинг ушбу шартноманинг 16.3-бандида кўрсатилган усуллардан фойдаланмаслиги уни судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

## **XVII. ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР**

**17.1** Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ушбу шартномани имзолаш орқали Банкка Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг шахсига оид маълумотларга ишлов беришга ўз розилигини беради.

**17.2** Банк Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг шахсига оид маълумотларига куйидаги мақсадларда ишлов беради ва ишлов бериши мумкин:

- ушбу шартнома бўйича Банкнинг ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини ижро қилишда;

- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ҳуқуқ ва мажбуриятларини лозим даражада амалга оширилишини таъминлашда;

- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) тўғрисидаги кредит ахборотини олишда;

- Банкка кредит ресурсларини тақдим қилувчи томонидан талаб қилган маълумотларни тақдим қилишда (кредит жалб қилинган ресурслар ҳисобидан амалга оширилган тақдирда);

- кредит таъминотида оид битимларни расмийлаштириш учун нотариус, суғурта компаниялари, гаров реестри, кадастр ва ички ишлар идораларига мурожаат қилишда;

- муайян банк хизматининг самарадорлигини баҳолаш учун маркетинг изланишларини ўтказиш, таҳлилий ёки статистик маълумотларни тайёрлаш ва умумлаштиришда;

- Банк бошқарув органлари, назорат органлари, аудитор ёки потенциал инвесторлар учун Банкнинг фаолияти ва молиявий ҳолатига оид ҳисоботларни тайёрлашда;

- Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ҳақидаги маълумотларни верификация қилиш, шу жумладан, фирибгарлик ҳолатларига йўл қўйилмаслиги, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролиларини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида;

- Давлат идоралари ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахсларга муддати ўтган кредит қарздорликларини ундириш учун мурожаат қилишда;

- янги банк хизматларини таклиф этиш мақсадида;

- юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун шахсга оид маълумотлар акс этган ҳужжатларни маълумот алмашиниш учун алоқа (почта) хизмати кўрсатувчи ташкилотларга тақдим қилиш, электрон ахборот алмашиниш дастурлари базаларига жойлаштиришда.

**17.3** Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ушбу шартномани имзолаш орқали Банкка Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг шахсига оид маълумотларга ишлов беришга берган розилиги ушбу шартноманинг 18.5-бандига мувофиқ мазкур шартномага қўшимча қилишув тузиш орқали чақириб олиниши мумкин.

## **XVIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

**18.1** Ушбу шартнома Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи)нинг учинчи шахслар билан тузган ҳар қандай турдаги шартномалари (битимлари)дан юридик жиҳатдан мустақил бўлиб, Қарз

олувчи (Биргаликда қарз олувчи) учинчи шахслар билан тузган шартномалари (битимлари) қоидаларига асосланиб Банкка эътироз билдирмайди.

**18.2** Ҳар бир томон ушбу шартнома предмети ва шартларига боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини сақлайдилар. Ушбу маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра тегишли органларга берилиши бундан мустасно.

**18.3** Ушбу шартнома Томонлар ўртасида имзоланганидан сўнг кучга киради ҳамда Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қилади.

**18.4** Мазкур шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш томонларнинг келишувига кўра ёки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида амалга оширилиши мумкин.

**18.5** Ушбу шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда имзолаган қўшимча келишувлар тарзида расмийлаштирилади. Мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартлари бир-бирига зид бўлган тақдирда, қўшимча келишув шартлари амал қилади.

**18.6** Банк ушбу шартнома доирасидаги ҳар қандай хабарнома, огоҳлантириш ёки талабномани ўз ихтиёрига кўра Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) томонидан ушбу шартноманинг 19-бўлимида кўрсатилган почта манзилига буюртма хат кўринишида, телефон рақамига СМС-хабар кўринишида ёки электрон манзилига электрон хабар кўринишида юбориши мумкин.

- Хабарнома, огоҳлантириш ёки талабномани ушбу бандда кўрсатилган усулларнинг фақат биттасидан фойдаланган ҳолда юборилиши Қарз олувчи (Биргаликда қарз олувчи) ушбу хабарнома, огоҳлантириш ёки талабнома лозим даражада етказилган деб ҳисоблаш учун кифоя.

**18.7** Мазкур шартнома ўзбек тилида томонлардан ҳар бири учун, бир хил юридик кучга эга бўлган 3 (уч) нусхада тузилган.

#### **XIX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ, РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ**

<b>Банк:</b> _____ (филиал номи)
Манзил: _____ телефон (факс): _____
х/р: _____ ИНН _____ МФО: _____
Филиал бошқарувчиси _____ (имзо) _____ (ФИШ)
Бош бухгалтер _____ М.Ў. _____ (имзо) _____ (ФИШ)
Юрист _____ (имзо) _____ (ФИШ)
<b>Қарз олувчи:</b> _____ _____ (ФИШ)
(имзо) паспорт серия № _____ тумани ИИБ _____ .20__ йил _____ (ИИБ номи)
Манзил: _____ телефон: _____

Биргаликда қарз олувчи: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(ФИШ)

(имзо)

паспорт серия \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_ \_\_\_\_\_ тумани ИИБ \_\_\_\_\_ . \_\_\_\_ . 20 \_\_\_\_  
йил

(ИИБ номи)

Манзил: \_\_\_\_\_

телефон: \_\_\_\_\_

---

*(Қарз олувчининг Ф.И.Ш. тўлиқ, ўз қўли билан ёзилади)*

Ушбу шартномани ўқиб чиқдим, ушбу шартноманинг сўзлари, бўлимлари ва бандларининг маъноси, мазмуни ва аҳамияти менга тушунарли, шу муносабат билан ушбу шартномани имзолайман ва сўзсиз ижро этиш учун қабул қиламан.

---

*(Биргаликда қарз олувчининг Ф.И.Ш. тўлиқ, ўз қўли билан ёзилади)*

Ушбу шартномани ўқиб чиқдим, ушбу шартноманинг сўзлари, бўлимлари ва бандларининг маъноси, мазмуни ва аҳамияти менга тушунарли, шу муносабат билан ушбу шартномани имзолайман ва сўзсиз ижро этиш учун қабул қиламан.